ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ФАКУЛЬТЕТИ
БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ

# БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМГА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

## ХАЛҚАРО МИҚЁСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

# МАТЕРИАЛЛАРИ

**2021 йил, 1 -2 апрель**

**Бухоро - 2021**

## Илмий анжуманнинг дастурий қўмитаси

О. Х.Хамидов – Бухоро давлат университети ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор, раис.

О.С.Қаххоров – илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис муовини.

Ў.У. Рашидов – молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор, аъзо.

Қ.Р.Тўхсонов – мактабгача ва бошланғич таълим факультети декани, аъзо.

Ю.Ю.Азимов – мактабгача ва бошланғич таълим факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари, аъзо.

Н.О. Сафарова – мактабгача ва бошланғич таълим факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари, аъзо.

А.Р.Ҳамроев – бошланғич таълим методикаси кафедраси мудири, аъзо.

Ю.А. Пўлотова – бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси, котиб.

## Илмий анжуманнинг ташкилий қўмитаси

О.С.Қаххоров – Бухоро давлат университети илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис муовини.

Қ.Р.Тўхсонов – мактабгача ва бошланғич таълим факультети декани, раис муовини.

Г.Т. Зарипов – ИТ, И ва ИПКТБ бўлими бошлиғи, аъзо.

Ю.Ю.Азимов – мактабгача ва бошланғич таълим факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари, аъзо.

Н.О. Сафарова – мактабгача ва бошланғич таълим факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари, аъзо.

А.Р.Ҳамроев – бошланғич таълим методикаси кафедраси мудири, аъзо.

Ф.М.Қосимов – бошланғич таълим методикаси кафедраси доценти, аъзо.

Ғ.М.Сайфуллаев – бошланғич таълим методикаси кафедраси доценти, аъзо.

Н.Б.Адизова – бошланғич таълим методикаси кафедраси катта ўқитувчиси, аъзо.

Р.А.Қўлдошев – бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси, аъзо.

Р.Х.Жумаев – бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси, аъзо.

Тўплам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 78-ф-сонли фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда ҳалқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник тадбирлар режасида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши мақсадида 2021 йил 1 апрель куни Бухоро давлат университети Бошланғич таълим методикаси кафедрасида **“Бошланғич таълимга рақамли технологияларни татбиқ этишнинг замонавий тенденциялари ва ривожланиш омиллари”** мавзусидаги ҳалқаро илмий-амалий анжуман материаллари асосида тузилди.

**Масъул муҳаррир:**
А.Р.Ҳамроев, педагогика фанлари доктори, доцент

**Тақризчилар:**
Б.Р.Адизов, педагогика фанлари доктори, профессор
Ю.Ю.Азимов, филология фанлари номзоди, доцент

# БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА МУСИҚИЙ САВОДХОНЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИДА МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШ ВА БАҲОЛАШГА ЎРГАТИШ

**Б. Мустафоев**
***ВХТХҚТУМОҲМ, доцент***

***Аннотация:*** *мақолада ўқувчиларнинг мусиқий саводхонлигини шакллантиришда мантиқий фикрлашга ўргатишнинг аҳамияти, бошланғич синфларда мусиқий саводхонлик меъёрлари ва уни ўзлаштириш даражасига қўйиладиган талаблар ҳақида фикр юритилган.*

***Калит сўзлар****: мантиқий фикрлаш, педагогик бошқарув, мусиқий саводхонлик, мусиқий билим ва кўникма, умумий мусиқа таълими, услуб, мусиқий- маърифий фаолият, нота ёзуви, мусиқий эҳтиёж, мусиқа идроки, миллий чолғулар, яккахонлик ва жўрнавозлик, мусиқий саводхонлик компетенцияси.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 17-ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПК-3391-сонли Қарори қабул қилиниб, айни вақтда миллий ўзлигимизни англаш, маданиятимизни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимиз, аввало ёш авлодимизни юксак инсоний туйғулар руҳида тарбиялаш, унинг эстетик диди ва тафаккурини шакллантиришда мақом санъатининг кенг имкониятларидан етарлича фойдаланилмаётганлиги таъкидлаб ўтилган эди. Шу боис, миллий мақом санъати намояндалари, тарғиботчилари олдига “Халқимиз, хусусан ёш авлодни мақом санъати билан кенг таништириш орқали уларда миллий ўзликни англаш туйғуси юксак бадиий-эстетик дид ва тафаккурни камол топтириш” вазифаси қўйилди. [1].

Бу эса таълим-тарбиянинг методологик асосларини янада такомиллаштиришни тақозо этади ҳамда педагогик фаолиятни мақсадли амалга оширишга ундайли. Эндиликда асосий мақсад - ўқувчи фақат эгалланган билим ва кўникма, малакаларни ўзлаштириш билан эмас, балки ундан мустақил равишда шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиши ва ҳаёти давомидаги турли ижтимоий муносабатларда оқилона фойдалана олиши жоиз. [2]

2017-йил 6-апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” ги 187-сонли қарори билан Мусиқа маданияти фанидан Давлат таълим стандарти
бошланғич таълимнинг муҳим жиҳатларидан бири ўқувчиларда мусиқий саводхонлик малакаларини шакллантиришдан иборатлигини эътироф этди. Умумтаълим мактаблари мусиқа маданияти ўқув дастурига тааллуқли мусиқа саводи малакалари шу даражада мустаҳкам ўзлаштирилиши керакки, ўқувчилар онги ва шуурида узоқ вақт сақланиб қолсин, улар мавжуд мусиқий билим, малака ва кўникмалардан кундалик фаолиятда қўллай олишсин.

Шу боис, фан ўқитувчилари масъулиятни чуқурроқ ҳис қилган ҳолда қунт ва сабр билан ишлаб, ўқувчиларга пухта бошланғич мусиқий сабоқ бера олишса-гина, уларда мусиқий маданиятнинг асосларини тарбиялаш осон бўлади.

Вилоят мактабларида ёш мутахассис ўқитувчиларнинг мусиқа маданияти фани дарсларини кузатиш, мусиқий фаолиятларни ташкил этиш, педагогик бошқариш шунингдек, бўлажак мутахасисисларнинг назарий билим, малака ва кўникмаларини ўзлаштирганлик даражасининг таҳлиллари шу нарсани кўрсатадики, баъзан ҳафтанинг бир соатлик дарснинг ўзига кўп мусиқий фаолиятларни амалга оширилиши оқибатида фаолиятларнинг асоси бўлмиш мусиқа саводхонлиги назарийлаштирилиши, мусиқий атамаларга оид қоида ҳамда таърифларнинг қуруқ ёдлатилиши, ўқувчиларда бошланғич мусиқий саводхонлик малакаларини шакллантиришда мантиқий фикрлашга ўргатишга эътибор берилмаслиги оқибатида ўқувчиларга тушунарсиз ва қизиқарсиз бўлиб қолади.

М. Шарипов, Д. Файзихўжаеванинг таърифича, келиб чикишига кўра арабча бўлган “мантик” (грекча логика-logos) атамаси “фикр”, “сўз”, “акл”, “қонуният” каби маъноларга эга. Унинг кўп маънолиги турли хил нарсаларни ифода килишда ўз аксини топади. Хусусан, мантиқ сўзи, биринчидан, объектив олам конуниятларини (масалан, “объектив мантиқ”, “нарсалар мантиғи” каби ибораларда), иккинчидан, тафаккурнинг мавжуд бўлиш шакллари ва тараккиётини шу жумладан, фикрлар ўртасидаги алокадорликни характерлайдиган қонун-коидалар йиғиндисини (масалан, “субъектив мантиқ” иборасида) ва учинчидан, тафаккур шакллари ва конунларини ўрганувчи фанни ифода этишда ишлатилади [3].

Мусиқий саводхонлик жараёнининг асосини ва охирги максадини амалиёт, яъни мусиқий фаолият ташкил этади. Барча ҳолларда билиш ўқувчининг мусиқий фаолияти билан у ёки бу даражада боғлик бўлган, унинг мусиқий эҳтиёжини қондириши мумкин бўлган мусиқий асарларни тушуниб етишга бўйсундирилган бўлади.

Ўқитувчи ўқувчиларга мусиқий саводхонликни шакллантирар экан, ўз олдига таълимий максадни кўяди. Улар ўрганилиши лозим бўлган мусиқий билимлар доираси, таълим шакли ва методларини белгилаб беради. Мусиқани идрок этиш- мураккаб, амалга ошадиган жараёндир

Кузатув ҳамда тажрибалардан келиб чиқиб, бошланғич синфлар мусиқа маданияти дарслиги асосида баъзи тавсияларни келтирамиз.

1-синфда ўқувчилар товушларни тўғри талаффуз қила олиши, дойра ва ноғора миллий чолғуларни бири-биридан фарқлаши, товушларни баланд-пастлигини идрок этиши, бутун нота, ярим нота, чорак нота ва нимчорак нота шакли ҳамда чўзимини билиши, скрипка калити, унинг нота йўлидаги жойлашувини билиши, шоир, композитор, хонанда ва созанда касбий фаолиятлари ҳақида тушунчага эга бўлишшлари, етти товуш номи, уларнинг кетма-кетлигида куйлай олиши каби мусиқий саводхонлик компетенцияларини эгаллаши кўзда тутилган.

2- синфда яккахонлик ва жўрнавозлик ижро турини билиши, такт чизиғининг нота йўлига ифодаланиши қоидаларини, тоника, такт чизиғи, репризани фарқлай олиши, мажор ва минор товушқатори ҳақида тушунчаларга эга бўлиши лозим.

3-синфда эса ўқувчилар икки чоракли ва уч чоракли ўлчов, дирижёрлик ҳаракатларини бажара олиши, паузаларни бир-биридан фарқлай олиши, тон ва ярим тон тушунчалари, динамик белгиларни билиши, мажор ва минор уч товушлиги ҳамда товушқаторини нота ёзувига қараб куйлай олиши, ва уларни лад оҳангига қараб ажрата олиши, куйланадиган қўшиқларнинг оҳангига қараб аниқлай олиши, альтерация белгилари (диез, бемоль,бекарь) ни билиши назарда тутилган.

4-синфда ўқувчилар қўшиқ ҳақида тушунчага эга бўлиши, оддий мусиқа шаклларини билиши, банд шаклини фарқлай олиши, ўзбек халқ чолғуларидан торли, дамли ва зарбли созларни бир-биридан фарқлаши, халқ рақсларини фарқини, берилган куй парчаларида ноталарни номларини ўқий олиши, соль мажор тонлиги тушунчасига эга бўлиши, берилган нота йўлига такт ўлчовига мос нота таёқчаларини қўя олиши каби компетенцияларни шакллантириш вазифа этиб қўйилган.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг мусиқий фаолиятларда активлигини ошириш, уларни машғулотда оммавий жалб этиш орқали мусиқий саводхонлик қобилиятларини янада ривожлантиришга эришмоғи лозим.

Бошланғич синфларда мусиқа таълими мазмуни ўқувчиларнинг мусиқий саводхонлигини ошириш, улар фаолиятини активлаштириш, босқичлараро ўзаро боғлиқликка эришиб, дарс яхлитлигини таъминлашга қаратилиши керак. Муҳим жиҳат шундаки, бошланғич синф ўқувчиларида мусиқий саводхонлик компетенциясини шакллантиришда оддийдан-мураккабга тамойили асосида уларда мантиқий фикрлашга ўргатиш орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1..Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги "Миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ – 3391-сонли қарори (Халқ сўзи. 2017. - 18 ноябрь)

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24- январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида сўзлаган нутқи.

## МУНДАРИЖА


Обиджон Хамидов. Рақамли технологияларни таълим жараёнига татбиқ этишнинг устувор вазифалари ..... 3
Отабек Қаҳҳоров. Рақамли иқтисодиёт тараққиёт омили сифатида ..... 4
Қахрамон Тўхсанов. Таълим беришда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти ..... 5

**I ШЎЪБА. БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМГА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ ..... 8**

Б.Адизов. Замонавий таълимда рақамли технологиялардан фойдаланиш истиқболлари ..... 8
Ш. Ш. Олимов. Бошланғич таълимни табақалаштиришнинг муҳим омиллари ..... 11
А.Р. Ҳамроев. Масофавий таълим соҳасида рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятлари 15
Чемезов Сергей Александрович, Сахновская Елена Геннадьевна,_Алмазова Юлдуз Исматовна. Цифровые ресурсы для педагогов начальной школы ..... 17
З.Л.Умуров. Таълимни рақамлаштириш шароитида педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикаси фани асослари ..... 19
U.A. Masharipova. Boshlang'ich ta'limga raqamli ta'lim texnologiyalarni joriy etish davr talabi ..... 22
G'.M.Sayfullayev, L.X.Alimova, I.S. Temirova, S.Sh. Namozova. 4-sinfrda markaziy osiyolik allomalarning tabiat ..... 24
Умуров Зариф Латифбоевич. Таълимни рақамлаштириш шароитида ўқув-билув муаммоларини таълим жараёнига татбиқ қилишнинг шарт-шароитлари ..... 26
G'.M. Sayfullaev,_G.F.Yodgorova,_F.O'. Yodgorov. Boshlang'ich sinf "atrofimizdagi olam" darslarida o'qitishning raqamli texnologiyalaridan foydalanish ..... 28
G'.M. Sayfullayev, L.X.Alimova, D.O.Hamroyeva. Tabiatshunoslikni o'qitishda foydalaniladigan raqamli texnologiyalar ..... 30
m.m.nigmatova. raqamli o'yinlar bolalarni o'qitish usuli sifatida ..... 32
M. J. Yarashov, X. I. Hamdamova._Ta'lim tizimida raqamli texnologiyalarning o'rni ..... 34
M. J. Yarashov, F. B. Barotova._Boshlang'ich ta'lim jarayoniga raqamli texnologiyalarning tadbiq etish metodikasi ..... 36
M.J.Yarashov, M.T.Axmedova. BOSHLANG'ICH SINF MATEMATIKA TA'LIMNI Raqamli texnologiyalar orqali ijodiy tashkil etish jarayoni ..... 38

**II ШЎЪБА. БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШНИНГ ХАЛҚАРО ТИЗИМИ ..... 40**

М. М. Юлдашева, Бафаева Дилдора. Обучение учащихся анализу художественных произведений в начальных классах на основе заданий PIRLS ..... 40
B.T.Jurayev, Z.Qamarova. Boshlang'ich sinflarda o'quvchilar bilimini nazorat qilish va baholash tamoyillari ..... 43
Doniyorova Nodira,_Hamroyev Alijon Ro'ziqulovich. _Husnixat darslarida xalqaro tadqiqot baholash tizimi-pirls matnlarini qo'llashning ahamiyati ..... 45
Б. Мустафоев. Бошланғич синф ўқувчиларида мусиқий саводхонликни шакллантириш жараёнида мантиқий фикрлаш ва баҳолашга ўргатиш ..... 47

**III ШЎЪБА. ДАРСЛИКЛАРНИ ЯРАТИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ҚИЛИШ ..... 49**

Мишанова А. И. _ПРИМЕНЕНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА В НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЕ ..... 49
R. X. Jumayev. _BOSHLANG'ICH SINF ONA TILI DARSLIKLARINING AFZALLIKLARI ..... 50
O'. M. Olloqova. _ONA TILI DARSLARIDA O'QUVCHILARNING LINGVISTIK KOMPETENSIYALARINI TAKOMILLASHTIRISHDA TA'LIM TEXNOLOGIYALARINING AHAMIYATI ..... 53
R. X. Jumayev, Sh.T.Elmurodova._ONA TILI DARSLIKLARIDAGI DIDAKTIK MATERIALLARNI YARATISH VA ULARNI TAKOMILLASHTIRISH ..... 55
M.M.Qosimova,_F.F.Qosimov._TAQQOSLASHGA DOIR TOPSHIRIQLAR USTIDA ISHLASH TEXNOLOGIYASI ..... 58
М.А. Жумаева. _ПЕДАГОГИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЎҚИТУВЧИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ ..... 60